

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
**ҚАРОРИ**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ**  
ПРЕЗИДЕНТА  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 йил “ 19 ” июль №ПҚ-4399 “ ” 20 г.

**Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида  
“Фарғона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш”  
лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий тизимни янада чуқур ислоҳ қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш тизимини кенгайтириш, шунингдек, туризм ва хунармандчиликни ривожлантириш, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида янги иш ўринларини яратиш, Жаҳон банки билан ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида:

1. Куйидагилар:

2019 йил 21 мартда Жаҳон банкининг Директорлар кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикасида “Фарғона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш” лойиҳасини (кейинги ўринларда Лойиҳа деб юритилади) молиялаштириш учун **Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг 5 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда 25 йил муддатга 200 млн АҚШ доллари** миқдоридagi қарз ажратилиши маъқуллангани;

**2019 йил 11 апрелда Ўзбекистон Республикаси ва Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида қарз битими имзолангани;**

Лойиҳанинг умумий киймати **300,6 млн АҚШ доллари** эквивалентини, шундан Ўзбекистон Республикасининг улуши – **100,6 млн АҚШ доллари**, шу жумладан солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар бериш, инвестиция даврида молиявий харажатларни тўлаш шаклидаги улуш – **64 млн АҚШ доллари** эквивалентини ва Лойиҳа иштирокчиларининг (бенефициарлар) улуши – **36,6 млн АҚШ доллари** эквивалентини ташкил этиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

Лойиҳа **Андижон, Наманган ва Фарғона** вилоятларида амалга оширилади;

Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) Лойиҳани ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш, уни мувофиқлаштириш ва бошқариш, Лойиҳани амалга ошириш даврида мониторинг ва ҳисоботни юритиш учун масъул ижро этувчи орган хисобланади;

Лойиҳа доирасида кредит маблағларини ўзлаштириш **2019 йил сентябрь** ойдан бошланади;

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкидан олинган қарз Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қайтарилади.

3. Куйидагилар:

“Фарғона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш” лойиҳаси **техник-иқтисодий асоси ва унинг асосий кўрсаткичлари** 1-иловага мувофиқ;

“Фарғона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш” лойиҳаси бўйича **Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкнинг қарзидан фойдаланиш схемаси** 2-иловага мувофиқ;

“Фарғона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида **Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкнинг қарзини сўндириш, комиссия ва фойз тўловларини амалга ошириш прогноз графика** 3-иловага мувофиқ;

“Фарғона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш” лойиҳасини **амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”** 4-иловага мувофиқ;

мазкур **қарорнинг ижросини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси** 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки билан биргаликда бир ой муддатда Лойиҳа доирасида бериладиган қарзни қайта молиялашнинг муддатлари ва шартлари, сублойиҳаларни танлаш ва уларни баҳолаш мезонларини белгилаган ҳолда, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкнинг қарзидан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири, Агентлик бош директори, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳокимлари зиммасига 2019-2025 йиллар давомида Лойиҳа доирасидаги тадбирларни самарали амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари ва тартиб-таомилларига мувофиқ зарур ҳисоботлар ва ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланиши ҳамда тақдим этилишини ташкил қилиш юзасидан **шахсий масъулият юклансин.**

6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги Лойиҳа Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурларига белгиланган тартибда киритилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси **молия вазирига** Ўзбекистон Республикаси номидан Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки томонидан ажратиладиган қарзни **қайта кредитлаш битимларини имзолаш**, шунингдек, уларга Агентлик ва Лойиҳада иштирок этувчи Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари билан келишилган ҳолда тегишли **ўзгартишлар киритиш** ваколати берилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси  
Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига  
юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**



**Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

**“Фарғона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш”  
лойиҳаси техник-иқтисодий асосларининг  
АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Т/Р	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	Жами	шу жумладан:		
				Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки маблағлари	Ўзбекистон Республикаси улуши	Бенефициарлар маблағлари
<b>1</b>	<b>Лойиҳанинг умумий қиймати *</b>	<b>минг АҚШ долл. экв.</b>	<b>300 587,6</b>	<b>200 000</b>	<b>63 962,6</b>	<b>36 625</b>
<b>2</b>	<b>Умумий капитал қўйилмалар микдори</b>	<b>минг АҚШ долл. экв.</b>	<b>263 818,51</b>	<b>200 000</b>	<b>27 193,51</b>	<b>36 625</b>
	<i>шунингдек:</i>					
2.1.	Маҳсулот ва хизматлар	минг АҚШ долл. экв.	18 500	18 500		
2.2.	Иштирок этувчи молия ташкilotлари кредит линиялари	минг АҚШ долл. экв.	183 125	146 500		36 625
2.3.	Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси капитализацияси	минг АҚШ долл. экв.	20 000	20 000		
2.4.	Кўзда тутилмаган харажатлар	минг АҚШ долл. экв.	14 500	14 500		
2.5.	Инвестиция давридаги молиявий харажатлар **	минг АҚШ долл. экв.	27 693,51	500	27 193,51	
<b>3</b>	<b>Солиқ ва божхона имтиёзлари</b>	<b>минг АҚШ долл. экв.</b>	<b>36 769,09</b>		<b>36 769,09</b>	

*\*) Яқиний нарх кўрсаткичлари батафсил лойиҳа-смета ҳужжатлари, товарлар (иш ва хизматлар) етказиб бериш бўйича тендер савдолари натижалари асосида белгиланади.*

*\*\*\*) Давлат бюджети ва тижорат банклари маблағлари қўшиб ҳисобланганда.*

**“Фарғона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш” лойиҳаси бўйича  
Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки қарзидан фойдаланиш  
СХЕМАСИ**

Компонентлар номи	Қарз суммаси		Қарзни тўлаш манбаи
	сумма (минг АҚШ долл.)	фоиз	
<b>1-компонент. Тадбиркорликни ривожлантириш</b>			
1.1-суб-компонент: Мураббийлик ва бизнес-инкубация. Қишлоқ хўжалиги тадбиркорлари учун бизнес инкубация марказлари дастурини қўллаб-қувватлаш	3 000	1,5	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари
1.2-суб-компонент: Кластерлар, ишлаб чиқариш ва сотиш занжирларини яратиш	2 000	1	
1.3-суб-компонент: Бозорда илгари суриш ва технологияларни текширувдан ўтказиш	2 000	1	
1.1-суб-компонент: Мураббийлик ва бизнес-инкубация. Инновацион стартапларни амалга ошириш бўйича фаолиятни қўллаб-қувватлаш	3 000	1,5	
1.1-суб-компонент: Мураббийлик ва бизнес-инкубация. Минтақавий инновацион марказларни қўллаб-қувватлаш	5 000	2,5	
<b>Жами</b>	<b>15 000</b>	<b>7,5</b>	Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги маблағлари
<b>2-компонент. Молиялаштириш</b>			
2.1-суб-компонент: Микро-, кичик, ўрта корхоналарни молиялаштириш	146 500	73,25	Иштирок этувчи молия ташкилотлари маблағлари

2.2.1-суб-компонент: Микро-, кичик, ўрта корхоналар учун Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига йўналтириладиган маблағлар	20 000	10	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари
2.2.2-суб-компонент: Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ходимларининг малакасини ошириш ва техник кўмак кўрсатиш	500	0,25	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари
<b>Жами</b>	<b>167 000</b>	<b>83,5</b>	
<b>3-компонент. Лойиҳани бошқариш ва мувофиқлаштириш</b>			
Лойиҳани бошқариш ва мувофиқлаштириш	3 000	1,5	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари
Кўзда тутилмаган харажатлар	14 500 *	7,25	Иштирок этувчи ташкилотлар маблағлари
Қарз бўйича бир марталик тўлов (комиссия)	500	0,25	416 минг АҚШ долл. – иштирок этувчи молия ташкилотлари маблағлари
			84 минг АҚШ долл. – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари
<b>Жами</b>	<b>18 000</b>	<b>9</b>	
<b>Ҳаммаси</b>	<b>200 000</b>	<b>100</b>	

\*) Ушбу маблағлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки билан ўрнатилган тартибда келишилган ҳолда қайта тақсимланади.

**“Фарғона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш”  
лойиҳаси доирасида Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки қарзини  
қайтариш, комиссия ва фоиз тўловларини амалга ошириш  
ПРОГНОЗ ГРАФИКИ \***

Қарз суммаси, минг АҚШ долл.	-	200 000
Қарз муддати, йил	-	25 йил
Имтиёзли муддат, йил	-	5 йил
Фоиз ставкаси	-	Бошланғич ставка ва белгиланган спред
Бир марталик комиссия **	-	Қарз суммасидан 0,25 фоиз
Мажбурият бўйича комиссия	-	0,25 фоиз ўзлаштирилмаган қарз қисми бўйича

*АҚШ долл*

Тўлов санаси	Фоиз суммаси	Мажбурият бўйича комиссия тўловлари суммаси	Асосий қарз бўйича тўловлар суммаси	Жами тўланадиган сумма
11.04.2019				
15.10.2019	19 430	259 722		279 152
15.04.2020	324 014	252 978		576 993
15.10.2020	406 667	233 916		640 582
15.04.2021	707 778	227 500		935 278
15.10.2021	915 000	209 688		1 124 688
15.04.2022	1 516 667	195 903		1 712 569
15.10.2022	1 728 333	158 854		1 887 188
15.04.2023	2 325 556	145 347		2 470 903
15.10.2023	2 643 333	108 021		2 751 354
15.04.2024	3 421 050	88 958	5 000 000	8 510 008
15.10.2024	3 863 333	40 351	5 000 000	8 903 684
15.04.2025	3 741 111		5 000 000	8 741 111
15.10.2025	3 660 000		5 000 000	8 660 000
15.04.2026	3 538 889		5 000 000	8 538 889
15.10.2026	3 456 667		5 000 000	8 456 667
15.04.2027	3 336 667		5 000 000	8 336 667
15.10.2027	3 253 333		5 000 000	8 253 333

15.04.2028	3 151 667		5 000 000	8 151 667
15.10.2028	3 050 000		5 000 000	8 050 000
15.04.2029	2 932 222		5 000 000	7 932 222
15.10.2029	2 846 667		5 000 000	7 846 667
15.04.2030	2 730 000		5 000 000	7 730 000
15.10.2030	2 643 333		5 000 000	7 643 333
15.04.2031	2 527 778		5 000 000	7 527 778
15.10.2031	2 440 000		5 000 000	7 440 000
15.04.2032	2 338 333		5 000 000	7 338 333
15.10.2032	2 236 667		5 000 000	7 236 667
15.04.2033	2 123 333		5 000 000	7 123 333
15.10.2033	2 033 333		5 000 000	7 033 333
15.04.2034	1 921 111		5 000 000	6 921 111
15.10.2034	1 830 000		5 000 000	6 830 000
15.04.2035	1 718 889		5 000 000	6 718 889
15.10.2035	1 626 667		5 000 000	6 626 667
15.04.2036	1 525 000		5 000 000	6 525 000
15.10.2036	1 423 333		5 000 000	6 423 333
15.04.2037	1 314 444		5 000 000	6 314 444
15.10.2037	1 220 000		5 000 000	6 220 000
15.04.2038	1 112 222		5 000 000	6 112 222
15.10.2038	1 016 667		5 000 000	6 016 667
15.04.2039	910 000		5 000 000	5 910 000
15.10.2039	813 333		5 000 000	5 813 333
15.04.2040	711 667		5 000 000	5 711 667
15.10.2040	610 000		5 000 000	5 610 000
15.04.2041	505 556		5 000 000	5 505 556
15.10.2041	406 667		5 000 000	5 406 667
15.04.2042	303 333		5 000 000	5 303 333
15.10.2042	203 333		5 000 000	5 203 333
15.04.2043	101 111		5 000 000	5 101 111
15.10.2043			5 000 000	5 000 000
<b>Итого</b>	<b>89 184 494</b>	<b>1 921 238</b>	<b>200 000 000</b>	<b>291 105 732</b>

\*) Тўловлар миқдори қарз маблағларини ўзлаштириши бошланган санадаги 6 ойлик LIBOR ставкаси ва белгиланган спредга нисбатан аниқлаштирилади.

\*\*\*) Режсалаштирилган қарз ҳажмидан 0,25 фоиз миқдорида бир марталик комиссия тўлови Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳисобидан қопланади ҳамда қарзнинг умумий миқдорига капиталлаштирилади.



**“Фарғона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш бўйича  
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Т/р	Чора-тадбирнинг номи	Бажарилиш санаси		Ижро ҳолатини назорат қилишни ташкил этиш	
		бошланиши	яқунланиши	назоратга масъул	кўриб чиқиш муддати
1.	<b>Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосини тасдиқлаш.</b> <i>Масъул: Агентлик (Ш.Шоахмедов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.Умурзаков)</i>	2019 йил июль	2019 йил август	Вазирлар Маҳкамаси (Э.Ганиев)	2019 йил август
2.	<b>Лойиҳа техник иқтисодий асосининг параметрларини тўлиқ амалга ошириш, шу жумладан маблағларни ўзлаштириш бўйича тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</b> <i>Масъул: Агентлик (Ш.Шоахмедов)</i>	2019 йил июль	2019 йил август	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.Умурзаков)	2019 йил сентябрь
3.	<b>Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки талабларига мувофиқ лойиҳани амалга ошириш гуруҳини ташкил этиш.</b> <i>Масъул: Агентлик (Ш.Шоахмедов)</i>	2019 йил июль	2019 йил август	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.Умурзаков)	2019 йил сентябрь
4.	<b>Лойиҳа доирасида тегишли ва масъул бўлган шахслар имзоларининг намунасини тасдиқлаб, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкига такдим этиш.</b> <i>Масъул: Агентлик (Ш.Шоахмедов), Молия вазирлиги (Т.Ишметов)</i>	2019 йил август	2019 йил сентябрь	Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Кўчқоров)	2019 йил сентябрь
5.	<b>Лойиҳа доирасида бериладиган қарзни қайта молиялашнинг муддатлари ва шартлари, сублоийҳаларни танлаш ва уларни баҳолаш мезонларини белгилаган ҳолда, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкнинг қарздан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш.</b> <i>Масъул: Агентлик (Ш.Шоахмедов), Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Марказий банк (М.Нурмуратов), тижорат банклари</i>	2019 йил июль	2019 йил август	Вазирлар Маҳкамаси (Э.Ганиев)	2019 йил сентябрь

6.	<b>Жалб қилинган қарзни қайта кредитлаш мақсадида салоҳиятли тижорат банкларини аниқлаш ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкидан тасдиқлатиш.</b> <i>Масъул: Агентлик (Ш.Шоахмедов), Молия вазирлиги (Т.Ишметов)</i>	2019 йил июль	2019 йил август	Вазирлар Маҳкамаси (Э.Ганиев)	2019 йил сентябрь
7.	<b>Аниқланган салоҳиятли тижорат банклари билан Молия вазирлиги ва Агентлик томонидан алоҳида қайта кредитлаш шартномаларини имзолаш.</b> <i>Масъул: Агентлик (Ш.Шоахмедов), Молия вазирлиги (Т.Ишметов), тижорат банклари</i>	2019 йил август	2019 йил сентябрь	Вазирлар Маҳкамаси (Э.Ганиев)	2019 йил сентябрь
8.	<b>Лойиҳа доирасида кредит маблағларига эҳтиёжманд тадбиркорлар рўйхатини шакллантириб бориш.</b> <b>Кредит маблағларини тақсимлаш ҳамда тадбиркорларнинг лойиҳаларини танлаб олиш</b> Агентлик, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан тасдиқланадиган Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг қарзидан фойдаланиш тартибига мувофиқ амалга оширилади. <i>Масъул: Фарғона вилояти ҳокими (Ш.Ганиев), Наманган вилояти ҳокими (Х.Бозаров), Андижон вилояти ҳокими (Ш.Абдурахмонов), тижорат банклари</i>	2019 йил август	Лойиҳани амалга ошириш даврида	Вазирлар Маҳкамаси (Э.Ганиев)	Лойиҳани амалга ошириш даврида
9.	<b>Тадбиркорлик субъектларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашга, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш тизимини кенгайтиришга, шунингдек, туризм ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга қисқа ва узоқ муддатли имтиёзли маблағларни тақдим этиш.</b> <i>Масъул: тижорат банклари, Агентлик (Ш.Шоахмедов)</i>	2019 йил сентябрь	Лойиҳани амалга ошириш даврида	Вазирлар Маҳкамаси (Э.Ганиев)	Лойиҳани амалга ошириш даврида
10.	<b>Лойиҳа доирасида тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтариш юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан мақсадли ишлатилиши таъминлаш чораларини кўриш.</b> <i>Масъул: тижорат банклари</i>	2019 йил сентябрь	Лойиҳани амалга ошириш даврида	Вазирлар Маҳкамаси (Э.Ганиев)	Лойиҳани амалга ошириш даврида

11.	<p><b>Тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида бизнес инкубация ва стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга кенг имконият яратиш, тадбиркорларнинг билим ва кўникмаларини оширишга, Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига маблағларни йўналтириш.</b></p> <p><i>Масъул: Агентлик (Ш.Шоахмедов), Фарғона вилояти ҳокими (Ш.Ганиев), Наманган вилояти ҳокими (Х.Бозаров), Андижон вилояти ҳокими (Ш.Абдурахмонов), Савдо-саноат палатаси (А.Икромов), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев), Инновация вазирлиги (И.Абдурахмонов), Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси (У.Исмоилов), Ёшлар иттифоқи (Қ.Қуранбаев), Ўзбекистон тадбиркор аёллар уюшмаси (Г.Махмудова)</i></p>	2019 йил сентябрь	2025 йил июль	Вазирлар Маҳкамаси (Э.Ганиев)	2025 йил июль
11.1	<p>Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига микро, кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш учун 20 млн АҚШ доллари миқдорига маблағларни йўналтириш.</p> <p><i>Масъул: Агентлик (Ш.Шоахмедов), Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси (У.Исмоилов)</i></p>	2019 йил сентябрь	Лойиҳани амалга ошириш даврида	Вазирлар Маҳкамаси (Д.Қўчқоров)	Лойиҳани амалга ошириш даврида
11.2	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан белгиланган вилоятларда минтақавий инновацион марказларни ишга тушириш ва янги бизнес стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ишларини молиялаштириш.</p> <p><i>Масъул: Агентлик (Ш.Шоахмедов), Инновация вазирлиги (И.Абдурахмонов), Фарғона вилояти ҳокими (Ш.Ганиев), Наманган вилояти ҳокими (Х.Бозаров), Андижон вилояти ҳокими (Ш.Абдурахмонов)</i></p>	2019 йил сентябрь	Лойиҳани амалга ошириш даврида	Вазирлар Маҳкамаси (Э.Ганиев)	Лойиҳани амалга ошириш даврида
11.3	<p>Инновацион ривожланиш вазирлигининг Инновацион ривожланиш ва новаторлик гояларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига 5 млн АҚШ доллари миқдорига маблағларни йўналтириш.</p> <p><i>Масъул: Агентлик (Ш.Шоахмедов), Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Инновация вазирлиги (И.Абдурахмонов)</i></p>	2019 йил сентябрь	Лойиҳани амалга ошириш даврида	Вазирлар Маҳкамаси (Д.Қўчқоров)	Лойиҳани амалга ошириш даврида

11.4	<p>Мураббийлик, бизнес-инкубация марказларини ташкиллаштириш ва уларнинг дастурларини қўллаб-қувватлаш; кластерлар, ишлаб чиқариш ва сотиш занжирларини яратиш; янги технологияларни синаш ва бозорларга татбиқ этиш; инновацион стартапларни қўллаб-қувватлаш ишларини молиялаштириш.</p> <p><i>Масъул: Агентлик (Ш.Шоахмедов), Фарғона вилояти ҳокими (Ш.Ганиев), Наманган вилояти ҳокими (Х.Бозаров), Андижон вилояти ҳокими (Ш.Абдурахмонов), Савдо-саноат палатаси (А.Икромов), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев), Ёшлар иттифоқи (Қ.Қуранбаев), Ўзбекистон тадбиркор аёллар уюммаси (Г.Махмудова)</i></p>	2019 йил сентябрь	Лойиҳани амалга ошириш даврида	Вазирлар Маҳкамаси (Э.Ганиев)	Лойиҳани амалга ошириш даврида
12.	<p><b>Лойиҳани ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилиши, уни мувофиқлаштириш ва бошқариш, шунингдек, лойиҳани амалга ошириш даврида мониторинг ва ҳисоботни юритиш.</b></p> <p><i>Масъул: Агентлик (Ш.Шоахмедов), Фарғона вилояти ҳокими (Ш.Ганиев), Наманган вилояти ҳокими (Х.Бозаров), Андижон вилояти ҳокими (Ш.Абдурахмонов), Савдо-саноат палатаси (А.Икромов), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев), Инновация вазирлиги (И.Абдурахмонов), Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси (У.Исмоилов), Ёшлар иттифоқи (Қ.Қуранбаев), Ўзбекистон тадбиркор аёллар уюммаси (Г.Махмудова)</i></p>	Лойиҳани амалга ошириш даврида	Лойиҳани амалга ошириш даврида	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзаков)	Лойиҳани амалга ошириш даврида
13.	<p><b>Лойиҳани Ўзбекистон Республикасининг навбатдаги Инвестиция дастурига киритиш.</b></p> <p><i>Масъул: Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзаков)</i></p>	2019 йил ноябрь	2019 йил декабрь	Вазирлар Маҳкамаси (Э.Ганиев)	2019 йил декабрь
14.	<p><b>Лойиҳани амалга ошириш мобайнида йиллик белгиланган ўзлаштириш прогнозларининг бажарилиши, лойиҳанинг ўз муддатида ва сифатли амалга оширилиши, лойиҳанинг бюджет параметрлари ҳамда кўрсаткичлари устидан доимий назорат олиб бориш.</b></p> <p><i>Масъул: Агентлик (Ш.Шоахмедов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзаков), Молия вазирлиги (Т.Ишметов)</i></p>	Лойиҳани амалга ошириш даврида	Лойиҳани амалга ошириш даврида	Вазирлар Маҳкамаси (Э.Ганиев)	Лойиҳани амалга ошириш даврида

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 июлдаги “Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида  
“Фарғона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш  
чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4399-сон қарори ижросини таъминлаш бўйича  
АМАЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

Т/р	Қарорнинг бандлари, амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	
			Вазирлик ва идоралардан	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасидан
1.	<p>1. Қуйидагилар: 2019 йил 21 мартда Жаҳон банкининг Директорлар кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикасида “Фарғона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш” лойиҳасини (кейинги ўринларда – Лойиҳа деб юритилади) молиялаштириш учун Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг 5 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда 25 йил муддатга 200 млн АҚШ доллари миқдоридagi қарз ажратилиши маъқулланганлиги; 2019 йил 11 апрелда Ўзбекистон Республикаси ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида қарз битими имзоланганлиги; Лойиҳанинг умумий қиймати 300,6 млн АҚШ доллари эквивалентини, шундан Ўзбекистон Республикасининг улуши – 100,6 млн АҚШ доллари, шу жумладан солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар бериш, инвестиция даврида молиявий харажатларни тўлаш шаклидаги улуш – 64 млн АҚШ доллари эквивалентини ва Лойиҳа иштирокчиларининг (бенефициарлар) улуши – 36,6 млн АҚШ доллари эквивалентини ташкил этиши маълумот учун қабул қилинсин.</p> <p><i>1. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосини тасдиқлаш.</i> <i>2. Лойиҳа техник-иқтисодий асосининг параметрларини тўлиқ амалга ошириш, шу жумладан маблағларни ўзлаштириш бўйича тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</i></p>	2019 йил август	Агентлик (Ш.Шоахмедов), Фарғона вилояти ҳокимлиги (Ш.Ганиев), Наманган вилояти ҳокимлиги (Х.Бозаров), Андижон вилояти ҳокимлиги (Ш.Абдурахмонов)	Ж.Қўчқоров, Э.Ганиев, Г.Саидова, А.Вахабов

	<p><b>3. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки талабларига мувофиқ лойиҳани амалга ошириш гуруҳини ташкил этиш.</b></p>	2019 йил август		
2.	<p>2. Белгилансинки: “Фарғона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш” лойиҳаси Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида амалга оширилади; Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) Лойиҳани ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш, уни мувофиқлаштириш ва бошқариш, Лойиҳани амалга ошириш даврида мониторинг ва ҳисоботни юритиш учун масъул ижро этувчи орган ҳисобланади; Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкидан олинган қарз Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қайтарилади. <b>1. Жалб қилинган қарзни қайта кредитлаш мақсадида салоҳиятли тижорат банкларини аниқлаш ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкидан тасдиқлатиш.</b> <b>2. Аниқланган салоҳиятли тижорат банклари билан Молия вазирлиги ва Агентлик томонидан алоҳида қайта кредитлаш шартномаларини имзолаш.</b> <b>3. Жалб қилинган кредитни Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкига ўз вақтида қайтариш юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш.</b> <b>4. Тадбиркорлик субъектларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашга, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш тизимини кенгайтиришга, шунингдек, туризм ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга қисқа ва узоқ муддатли имтиёзли маблағларни тақдим этиш.</b> <b><u>Кредит маблағларини тақсимлаш ҳамда тадбиркорларнинг лойиҳаларини танлаб олиш</u> Агентлик, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан тасдиқланадиган Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкнинг қарзидан фойдаланиш тартибига мувофиқ амалга оширилади.</b> <b>5. Лойиҳа доирасида тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтариш юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан мақсадли ишлатилишини таъминлаш чораларини кўриш.</b></p>	2019 йил сентябрь  2019 йил сентябрь  2019-2025 йиллар давомида тасдиқланган режага асосан	Агентлик (Ш.Шоахмедов), Фарғона вилояти ҳокимлиги (Ш.Ганиев), Наманган вилояти ҳокимлиги (Х.Бозаров), Андижон вилояти ҳокимлиги (Ш.Абдурахмонов)	Ж.Қўчқоров, Э.Ганиев, Г.Саидова, А.Вахабов

	<p><b>6. Тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида бизнес инкубация ва стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга кенг имконият яратиш, тадбиркорларнинг билим ва кўникмаларини оширишга, Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига маблағлар йўналтириш.</b></p>			
3.	<p>4. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки билан биргаликда бир ой муддатда Лойиҳа доирасида бериладиган қарзни қайта молиялашнинг муддатлари ва шартлари, сублойиҳаларни танлаш ва уларни баҳолаш мезонларини белгилаган ҳолда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг қарздан фойдаланиш тартибini ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин.</p> <p><b>1. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг қарздан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш. Бунда қуйидагиларни назарда тутиш:</b></p> <p><i>лойиҳа доирасида бериладиган қарзни қайта молиялашнинг муддатлари ва шартлари;</i></p> <p><i>сублойиҳаларни танлаш ва уларни баҳолаш мезонлари.</i></p> <p><b>2. Ишлаб чиқилган низомни белгиланган тартибда тасдиқлаш.</b></p>	<p>2019 йил август</p> <p>2019 йил сентябрь</p>	<p>Агентлик (Ш.Шоахмедов), Молия вазирлиги (Ж.Қўчқоров), Марказий банк (М.Нурмуратов)</p>	<p>Ж.Қўчқоров, Э.Ганиев, Г.Саидова, А.Вахабов</p>
4.	<p>5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири, Агентлик бош директори, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳокимлари зиммасига Лойиҳа доирасидаги тадбирларни самарали амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари ва тартиб-таомилларига мувофиқ зарур ҳисоботлар ва ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланиши ҳамда тақдим этилишини ташкил қилиш юзасидан шахсий масъулият юклансин.</p> <p><b>1. Масъул вазирлик ва идоралар томонидан лойиҳанинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилиши юзасидан доимий мониторинг юритиш ҳамда маълумотларни Агентликка тақдим этиб бориш.</b></p> <p><b>2. Масъул вазирлик ва идораларнинг лойиҳани амалга оширилиши бўйича ҳисоботлари ҳар чоракда Агентлик томонидан умумлаштирилган ҳолда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкига ҳамда белгиланган талаблар ва тартиб-таомилларга мувофиқ тегишли вазирлик ҳамда идораларга тақдим этиш.</b></p> <p><b>3. Амалга оширилган ишлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб бориш.</b></p>	<p>2019-2025 йиллар давомида тасдиқланган режага асосан</p> <p>Ҳар чоракда</p>	<p>Агентлик (Ш.Шоахмедов), Фарғона вилояти ҳокимлиги (Ш.Ганиев), Наманган вилояти ҳокимлиги (Х.Бозаров), Андижон вилояти ҳокимлиги (Ш.Абдурахмонов)</p>	<p>Ж.Қўчқоров, Г.Саидова</p>

5.	<p>6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги Лойиҳа Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурларига белгиланган тартибда киритилишини таъминласин.</p> <p><i>Лойиҳани амалга ошириш доирасида ишлаб чиқилган инвестиция лойиҳаларини Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурларига киритиш.</i></p>	2019 йил декабрь	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ( <i>С.Умурзаков</i> ), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ( <i>Б.Хаджаев</i> )	Ж.Қўчқоров, Э.Ганиев, Г.Саидова, А.Вахабов
6.	<p>8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.</p> <p><i>1. Лойиҳани амалга ошириш мобайнида йиллик белгиланган ўзлаштириш прогнозларининг бажарилиши, лойиҳанинг ўз муддатида ва сифатли амалга оширилиши, лойиҳанинг бюджет параметрлари ҳамда кўрсаткичлари устидан доимий назорат олиб бориш.</i></p> <p><i>2. Мазкур қарорнинг ижросини мажлисларда кўриб чиқиш.</i></p>	Ҳар чорақда	Молия вазирлиги ( <i>Ж.Қўчқоров</i> ), Агентлик ( <i>Ш.Шоахмедов</i> ), тижорат банклари	Ж.Қўчқоров

